XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 683,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 62,9 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Шундан, 2 082,6 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,5 фоизи) ва 1 600,5 минг киши – қишлоқ жойларида (43,5 фоизи) истиқомат қилади.

Вилоят ҳудуди ва аҳоли зичлиги
2019 йил 1 январь ҳолатига

	ташкил топган сана	*ҳудуди, минг кв. км*	*доимий аҳоли сони, минг киши*	*1 кв. км га аҳоли зичлиги, киши*
Вилоят бўйича	**15.01.1938**	**6,759**	**3 683,1**	**544,9**
шаҳарлар:				
Фарғона	1877 й.	0,1003	283,8	2 829,0
Қўқон	X аср	0,037	248,7	6 721,9
Қувасой	14.06.1954 й.	0,264	91,7	347,3
Марғилон	X аср	0,041	231,1	5 635,8
туманлар:				
Олтиариқ	29.09.1926 й.	0,631	206,6	327,4
Қўштепа	16.04.1952 й.	0,368	185,7	504,6
Бағдод	31.12.1964 й.	0,333	209,8	630,1
Бувайда	26.12.1973 й.	0,279	222,3	796,8
Бешариқ	29.09.1926 й.	0,774	223,1	288,2
Қува	10.02.1939 й.	0,438	252,5	576,6
Учкўприк	29.09.1926 й.	0,275	223,1	811,3
Риштон	09.01.1967 й.	0,307	197,4	643,0
Сўх	27.02.1990 й.	0,221	76,1	344,5
Тошлоқ	12.04.1973 й.	0,243	197,2	811,4
Ўзбекистон	17.04.1963 й.	0,689	233,3	338,6
Фарғона	22.02.1964 й.	0,6117	208,0	340,1
Данғара	07.12.1970 й.	0,435	169,4	389,3
Фурқат	09.04.1992 й.	0,305	115,6	115,6
Ёзёвон	27.12.1980 й.	0,407	107,8	107,8

Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий ташкил топиши 1938 йилнинг 15 январидан бошланади. Ҳудуди 6,8 минг квадрат километрни ташкил этади ёки мамлакатимиз ҳудудининг 1,5 фоизига тенг. Вилоятимиз шимолдан Наманган вилояти, шарқдан Андижон вилояти, жануб томондан Қирғизистон Республикасининг Ўш ҳамда Баткен вилоятлари ва ғарбдан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти билан чегарадош. Вилоянинг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Ёрдон, Риштон туманининг Чўнғира қишлоқлари вилоят, Республика ҳудудидан ташқарида, Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Вилоят маъмурий ҳудудий бўлинишига кўра 4 та вилоят миқёсидаги шаҳар, 15 та туман, 5 та туманлар тасарруфидаги шаҳарлар, 201 та шаҳар типидаги посёлкалар, 1 227 та аҳоли яшаш пунктлари ҳамда 1 028 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташкил топиб, уларда 3 683,1 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Вилоятнинг маъмурий маркази Фарғона шаҳри.

Вилоятнинг иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсига совуқ ҳавонинг кириб келишини тўсиб турганлиги боис, қишда об-ҳаво бир мунча мўътадил. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27,5°С, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -3°С. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин миқдори 200-250 мм.ни ташкил этади.

Тупроқлари бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергел чақиртошлардан иборат бўлиб, экин экилмайдиган текисликлар қисмида турли ўсимликлар, тоғ ён бағирларида писта, бодом ўсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва бошқалар) кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар бор.

Географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги вилоятда азотли ва фосфорли ўғитлар, нефть маҳсулотлари, оҳактош, соғ тупроқлар (ғишт, черепица учун хом-ашё), мармар, цемент хом-ашёси, шағал, енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун янада қулайдир. Вилоятда фойдали қазилмаларнинг 43 тури аниқланган бўлиб, улардан 21 таси ўзлаштирилмоқда.

Фарғона вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*		
	жами	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Фарғона вилояти	**3 683,1**	**2 082,6**	**1 600,5**	**101,7**	**101,6**	**101,9**
шаҳарлар:						
Фарғона	283,8	283,8	x	101,9	101,9	x
Қўқон	248,7	248,7	x	101,3	101,3	x
Қувасой	91,7	51,5	40,1	101,6	101,9	101,3
Марғилон	231,1	231,1	x	101,2	101,2	x
туманлар:						
Олтиариқ	206,6	156,2	50,4	101,7	101,6	102,0
Қўштепа	185,7	73,2	112,5	102,0	101,5	102,4
Бағдод	209,8	108,4	101,4	102,0	101,9	102,1
Бувайда	222,3	108,3	114,0	101,8	100,7	102,9
Бешариқ	223,1	78,4	144,7	101,8	101,8	101,8
Қува	252,5	117,3	135,2	101,7	101,8	101,6
Учкўприк	223,1	40,7	182,4	102,0	102,4	101,9
Риштон	197,4	126,8	70,6	101,8	101,6	102,1
Сўх	76,1	48,5	27,6	101,9	101,7	102,4
Тошлоқ	197,2	46,1	151,1	101,9	101,9	102,0
Ўзбекистон	233,3	101,3	131,9	101,8	101,6	102,0
Фарғона	208,0	130,4	77,6	101,7	102,0	101,1
Данғара	169,3	39,5	129,9	101,7	101,7	101,7
Фурқат	115,6	27,3	88,3	101,6	101,6	101,6
Ёзёвон	107,8	65,3	42,5	101,8	101,9	101,7

Шаҳарлар ичида энг кўп аҳоли Фарғона шаҳрида 283,8 минг киши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга ўсган) ва туманларда энг кўп аҳоли Қува туманида бўлиб, 252,5 минг кишини ташкил қилади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 фоизга ўсган).

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2019 йил 1 январь ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)



Январь–декабрда вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

Кўрсаткичлар	*минг киши*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2017 йил	*2018 йил*	*2017 йил*	*2018 йил*
Туғилганлар	75,5	81,2	21,0	22,2
Ўлганлар	17,9	16,9	5,0	4,6
шу жумладан бир ёшгача болалар	0,6	0,5	7,5	6,3
Никоҳлар, *мингта*	33,9	35,4	9,4	9,7
Ажралишлар, *мингта*	3,5	3,1	1,0	0,8

Туғилиш даражаси. 2018 йилнинг январь–декабрида туғилганлар сони 81,2 минг кишини ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига (75,5 минг киши) нисбатан 5,7 минг кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 22,2 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Олтиариқ туманида 19,6 дан 22,0 промилле, Ўзбекистон туманида 21,7 дан 23,7 промиллега кузатилган. Қўқон шаҳрида 18,0 дан 19,9 промилле, Фарғона туманида 21,6 дан 23,4 промиллега кўпайиш кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-декабрида ўлганлар сони 16 899 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (17 927 киши) нисбатан 1 028 кишига камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-декаябрида 5,0 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида юз берган бўлиб, энг кўп камайиш Қўқон шаҳрида 5,8 дан 5,2 промилле, Фарғона шаҳрида 6,1 дан 5,6 промилле, Олтиариқ туманида 4,9 дан 4,4 промилле, Қўштепа туманида 4,7 дан 4,2 промиллега кузатилди.

Ўлганлар умумий сонининг 62,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,7 фоизи ўсма касалликларидан, 6,6 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 6,2 фоизи бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва шикастланиш касалликларидан, 3,8 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида бир ёшга тўлмаган 484 та болалар ўлими кузатилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 6,3 промиллени ташкил қилди (2017 йилнинг январь-декабрида 7,5 промилле).

Бир ёшгача ўлган болалар умумий сонининг 42,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 25,6 фоизи туғма аномалиялардан, 21,5 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 4,3 фоизи инфекция ва паразит касалликларидан ва 2,9 фоизи бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва шикастланиш оқибатида вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-декабрида шаҳар, туман ҳокимликларининг ФҲДЁ бўлимларида 35 448 та никоҳлар ва 3 070 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,7 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида 9,4 та) ва 0,8 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,0) тўғри келади.

Январь–декабрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2017й.	*2018й.*	*2017й.*	*2018й.*
Вилоят	**33 922**	**3 5448**	**3 498**	**3070**
шаҳарлар:				
Фарғона	2 197	2 294	471	393
Қўқон	2 085	2 173	416	334
Қувасой	811	877	125	101
Марғилон	1 983	2 124	262	162
туманлар:				
Олтиариқ	2 069	2 249	162	159
Қўштепа	1 785	1 850	120	118
Бағдод	1 977	2 094	201	180
Бувайда	1 976	2 166	147	144
Бешариқ	2 045	2 120	202	181
Қува	2 359	2 502	203	190
Учкўприк	2 168	2 206	168	117
Риштон	1 948	1 940	142	183
Сўх	581	598	32	34
Тошлоқ	1 919	1 913	132	107
Ўзбекистон	2 190	2 427	213	207
Фарғона	1 958	1 970	185	18
Данғара	1 746	1 723	146	129
Фурқат	1 168	1 218	108	106
Ёзёвон	957	1 004	63	67

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятга кўчиб келганлар сони 13 312 кишини, шу давр

мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 14 689 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1 377 кишига (2017 йилнинг шу даврида – минус 2 097 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Марғилон шаҳри (минус 907), Фарғона тумани (минус 540) ва Қўқон шаҳрида (минус 426) кузатилди.

Январь–декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари
(киши)

	Келганлар		*Кетганлар*		*Миграция сальдоси*	
	2017й.	*2018й.*	*2017й.*	*2018й.*	*2017й.*	*2018й.*
Вилоят	**13 196**	**13 312**	**15 293**	**14 689**	**-2 097**	**-1 377**
шаҳарлар						
Фарғона	3 444	4494	2 392	2 426	1 052	2 068
Қўқон	1 162	994	1 677	1 420	-515	-426
Қувасой	331	427	346	412	-15	15
Марғилон	975	627	1 242	1 534	-267	-907
туманлар						
Олтиариқ	252	327	492	487	-240	-160
Қўштепа	468	637	696	629	-228	8
Бағдод	828	639	700	539	128	100
Бувайда	549	381	742	579	-193	-198
Бешариқ	326	475	578	614	-252	-139
Қува	602	531	715	679	-113	-148
Учкўприк	863	637	908	606	-45	31
Риштон	587	445	667	632	-80	-187
Сўх	1	4	29	62	-28	-58
Тошлоқ	765	754	790	783	-25	-29
Ўзбекистон	823	564	1 008	794	-185	-230
Фарғона	100	551	769	1 091	-669	-540
Данғара	318	347	682	666	-364	-319
Фурқат	623	316	582	472	41	-156
Ёзёвон	179	162	278	264	-99	-102

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–декабрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 503,2 минг сўмни ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 23,7 фоизга ошди. Энг юқори ўсиш суръати Фарғона шаҳарда (29,6 фоиз), Тошлоқ (30,1 фоиз) ва Қўқон шаҳар (26,7 фоиз) тўғри келди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори молия ва суғурта фаолиятига тўғри келиб, 2 638,2 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич саноатда 2 099,3, савдо 2 176,2 ахборот ва алоқада 1 903,6 ва таълим соҳасида 1 300,2 минг сўмдан иборат бўлди.

Январь-декабрь ойлари давомида ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи
(минг сўмда)